

Бугун пойтахтимизда

БОШЛАНДИГАН НУФУЗЛИ АНЖУМАННИ ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЯНГИ ОЧИҚ ТАШҚИ СИЁСИЙ СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

“МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ:
МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР
ВА ИМКОНИАТЛАР” МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Минтақавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги очиқ ташқи сиёсий стратегияси доирасида илгари сурилди. Ушбу гоյ Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш орқали минтақамиз билан иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар йўналишларда тарихан чамбарчас боғлиқ бўлган худуд – Жанубий Осиёга чиқишни назарда тутлади.

Юқори даражадаги халқаро конференция транспорт-логистика, энергетика, савдо, ишлаб чиқариш, инвестиция, технологик ва маданий-гуманитар соҳаларда “Марказий Осиё – Жанубий Осиё” форматидagi ўзаро манфатли стратегик алоқа моделини кўп томонлама муҳокама қилиш учун сиёсий ва экспертлар майдонини шакллантиришга мўлжалланган.

Конференцияда 40 дан ортиқ мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан 250 дан ортиқ иштирокчилар, нуфузли анжуманни ёритиш учун 90 га яқин хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари Тошкентга етиб келди.

O'zLiDeP фракциясида

ОЛТИАРИҚ МАКТАБИ



Ишбилгич халқ тажрибалари эл ичра дoston бўлаверади


3



Ярим тунда уйингизни сув босса...

5

Пойтахт ободлигига доғ бўлаётган кўнгилсиз манзара



Фаргона йўли кўчаси

Бу кўчани обод қилиш, бутунлай қайтадан бузиб-тузиш учун кетган маблағнинг ҳисоб-китоби бизга қоронғи. Билганим, ҳазилакам маблағ сарфланмаган.

12

ОММАВИЙ ЭМЛАШГА ЖИДДИЙ ЗАРУРАТ БОРМИ?

Хўш, оммавий эмлашга жиддий зарурат борми, деган савол кўпчиликни ҳамон ўйлантиряпти. Албатта, бор, ҳозирги вазият шуни талаб қиляпти-ку! Гап шундаки, аҳоли гавжум жойларда фуқаролар ўта хотиржамликка берилиб, карантин қоидаларини писанд қилмаслик ҳолатларидан нега кўз юмишимиз керак?

2

ОММАВИЙ ЭМЛАШГА ЖИДДИЙ ЗАРУРАТ БОРМИ?

XXI asr Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан саналади. Охириги йилларда соҳага янги бошқарув усулларини жорий этиш, мамлакатимизда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганининг боиси ҳам шунда.



Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги тегишли фармонида мувофиқ, республикаимиз аҳолисини тиббий хатловдан ўтказиш учун 14 202 та тиббиёт бригадаси ташкил этилиб, 32 458 030 нафар аҳоли саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда 4 та гуруҳга тақсимланди.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳозирги кунга қадар "Темир дафтар"га киритилган 1 912 нафар беморнинг 1 575 нафарига юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилди. Аҳолини манзилли скринингдан ўтказиш ва юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш мақсадида 23 та мобил бригада тузилди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Хайтов бошқарган партия фракцияси йиғилишида бу ҳақда сўз юритилиб, мамлакатимизда аҳоли соғлигини

сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, шу жумладан, коронавирусга қарши эмлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, давлат томонидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Жумладан, 2021 йили очилиши режалаштирилган 124 та оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникадан 71 таси ташкил этилган ҳолда, бирламчи тиббиёт-санитария муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ оилавий поликлиникалари 733 та ЭКГ ва 721 та УТТ аппарати билан таъминланган.

Масаланинг яна бир томони бор. Коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида жо-

рий этилган биринчи навбатда хавф ости гуруҳга мансуб аҳоли қатламини босқичма-босқич эмлаш тадбирлари талаб даражасида эмас.

Депутатларнинг фикрича, ўтган 3 ой давомида 65 ёшдан катта аҳоли қатламининг атиги 42,8 фоизи, сурункали касалликлари бўлган аҳоли қатламининг 67,7 фоизи, мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг 77,4 фоизи ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 68,7 фоизи коронавирус инфекциясига қарши эмланган. Аммо барчасини ҳам тўлиқ дозаларда эмланган деб бўлмайди.

Йиғилишда фракция аъзолари соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларга тўхталар экан, соҳада юзага келаётган муаммоларни ҳам аниқ мисоллар асосида санаб ўтишди.

– Ҳўш, оммавий эмлашга жиддий

зарурат борми, деган савол кўпчиликни ҳамон ўйлантирапти. Албатта, бор, ҳозирги вазият шуни талаб қиляпти-ку! Гап шундаки, аҳоли гавжум жойларда фуқаролар ўта хотиржамликка берилиб, карантин қоидаларини писанд қилмаслик ҳолатларидан нега кўз юмишимиз керак? – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати раҳбари, парламентдаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Наврўз Ризаев. – Республика бўйлаб оммавий тадбирларни ўтказиш давом этмоқда. ОАВ эса аҳолини коронавирусга қарши эмлашга чорлаш эмас, аксинча, шу каби тантаналарни ташвиқот қилиш билан овора бўляпти. Аслида, бунинг акси бўлиши керак эмасмиди?!

Йиғилишда аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирларининг ўз вақтида ва самарали ташкил этилиши устидан депутатлик назорати ўрнатилиши лозимлиги айтилиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қонунчилик палатасининг бугунги ялпи мажлисида Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси таклифига асосан, аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмлаш доирасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниши режалаштирилган. O'zLiDeP фракцияси бу борадаги ўз позициясини билдирди, албатта.

Газетамизнинг навбатдаги сонидида ушбу долзарб мавзуга оид мақолани ўқишингиз мумкин.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
Сардор АМИНЖОНОВ (сурат),
"XXI asr" мухбирлари

"Ёшлар қаноти" фаоллари

Жиззахлик мард ўғлон

XXI asr Бугунги кун ёшлари ҳақида сўз кетганда биров уларнинг спортда, адабиёт ва санъатда, тадбиркорлик борасида қўлга киритаётган ютуқларидан фахрланиб гапирса, кимдир юриш-туриши, кийиниш маданияти ва яна бошқа жиҳатларидан ёзғиради. Баъзан ёши улгурок одамлар "Сенларнинг ўрнингда бизлар бўлсайдик, ҳамма нарсанинг қадрига етардик, у даврларда бугунгидек шароитлар бўлганида борми, эҳ", дея хўрсиниб кўйганларига гувоҳимиз. Лекин барчамиз бир фикрда собитимиз: бугун Ўзбекистонда ёшларга кўпчилик ҳавас қиларли даражада шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Бу энди самимий эътироф!

Дарҳақиқат, ёшларга эътибор мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айниқса, сўнгги беш йилда ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар, ўз иқтидор ва салоҳиятларини барча жаҳаларда намойён қилишлари, таълим олишлари учун яратилаётган шароитлар кўнгилдагидек.

Ана шундай ёшлардан бири – O'zLiDeP фаоли, Зомин тумани "Тошкесган" ҚФЙда истиқомат қилувчи Қодири Қоплонбек Сафаровдир.

Зиёлилар оиласида таваллуд топган Қодири болалигиданоқ турли хил техник ускуналарга, янгиликка ихлоси баланд бўлиб улғайди. Бундан унга отаси – олий маълумотли муҳандис иқтисодчи Абдужалил ака ва онаси – "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси, халқ маорифи аълочиси Салима опанинг таъсири, хизмати катта бўлди.

Қодири дастлаб Зоминдаги 37-умумтаълим мактабининг, сўнгра тумандаги мелiorация ва сув хўжалиги коллежини аъло баҳоларга тамомлаб, 2019 йилда Жиззах


политехника институтига ўқишга кирди.

Ўқувчилик чоғлариданоқ янгилик, замонавий тил билан айтганда инновацион лойиҳалар яратишга ҳавасманд бўлган Қодири вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги кўплаб конференция ҳамда илмий анжуманларда иштирок этди. O'zLiDeP томонидан ташкил этилган "Ёш инновациячи" кўрик-танловига қатнашиб, энг самарали инновацион лойиҳа муаллифи сифатида голиблар қаторидан жой олди ва махсус стипендияга сазовор бўлди.

Инновацион ишланмаларининг 3 таси учун патент гувоҳномасини қўлга киритди. Ёш бўлишига қарамай, 10 дан зиёд ишланма ва ихтиролар муаллифига айланди. Билими, камтарлиги, муомала маданияти билан кўпчиликнинг меҳрини қозониб улгурган Қодири Қоплонбекнинг жорий йил 30 июнь кунини пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида "Мард ўғлон" давлат мукофотиغا сазовор бўлгани ҳақидаги хушxabар барчани қувонтирди.

Яқинда мукофот соҳибини O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилотига таклиф қилиниб, "Ёшлар қаноти" гуруҳи аъзолари билан суҳбат ташкил этилди. Учрашув давомида Қодири форумда олган таассуротлари, келгуси иш режалари ҳақида сўзлаб берди.

– Камтарона меҳнат-



ларимнинг бундай юксак эътироф этилишида O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" гуруҳининг ҳам ҳиссаси бор, – дейди Қодири Қоплонбек. – Яратаётган инновацион ишланмаларим электротатимиз вакиллари бўлмиш тадбиркорларга, фермерларга қўл келиб, уларнинг оғирини енгил қилишдан умидворман. Чунки деярли барча ишланмаларим халқ фаровонлигини айнан қишлоқ хўжалиги тараққиётини ри-

вожлантиришга қаратилган.

Халқимизда "Бирники мингга, минники туманга", деган нақл бор. Партиядошимизнинг қўлга киритган ютуқлари бошқа маслақдош ёшларимизни ҳам янги марралар сари ундайверсин.

Холбек АСАДОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилотининг "Ёшлар қаноти" гуруҳи раҳбари

Олтиариқ мактаби

ёхуд ишбилгич халқ тажрибалари эл ичра дoston бўлаверади

XXI ASR

Ер билан тиллашишнинг уддасидан чиққанлар кам эмас. Аммо бир хўжалик мавсумида уч-тўрт марта ҳосил олиш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди.

Экин-тикиндан маҳорат сабоғи олмоқчиларга Олтиариқнинг ҳар бир даласи, ҳар бир ҳовлиси амалиёт майдони бўла олади. Устозларимиздан бири ёзганидек, бу ерда агар кўчага машинадан бир

яратилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 20 минг тоннага ортди.

Олтиариқ тумани нафақат бодринг ва турп, балки узуми билан ҳам машҳур. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда ўзига хос мактаб вужудга келиб, узумнинг ўнлаб турдаги янги нави яратилди. Қора шаҳзода, хусайни, келинбармоқ, Ризамат ота каби навлар нафақат ички бозорда, балки узоқ-яқин хориж давлатларида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

донғи узоқ-узоқларгача танилган.

Бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари томонидан 90 минг гектар майдонда бу мева етиштирилмоқда. Бу тармоқда 900 минг аҳоли доимий ва мавсумий иш билан банд.

Узумчиликнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам, ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Масалан, 1 гектар ерда хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, 4 йилдан кейин

батлашди.

Туманнинг Чинортаги маҳалласи 94-уйда истиқомат қилувчи Нўъмонжон ҳожи ота Низомов 85 ёшда. Отахон умри давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳисобчи бўлиб фаолият юритди. Шу билан бирга, деҳқончилик илмини ҳам ўрганди. Ҳозирда 10 сотихдан ортиқроқ томорқасида сархил узумлар етиштироқда. Ҳар йили деҳқончиликдан мўмай даромад орттирадиган отахон 7 нафар фарзандини юрт қорига ярайдиган инсонлар этиб элга қўшди.


– Олтиариқликлар ерни эъзозлашади. Узумчилик бизга ота касб, шу билан бирга, сердаромад соҳа. Биз фақат узумдан олинадиган даромадга қараб қолмаймиз, – дейди Нўъмонжон ота. – Узум пишгунича тагида бодринг, помидор, бақлажон ва қалампир каби маҳсулотларни етиштирамиз...

Ҳа, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ёзганидек, олтиариқликлар ишбилгич халқдир. Бунга шу кўчада истиқомат қилувчи, машҳур узумчилардан бири Ҳусанбой Ғофуров хонадонидан ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Сабаби, Ҳусанбой аканинг томорқасида бир қарич бўш жой топа олмайсиз. Томорқа узум боғ билан кўзни қувонтирса, узумлар орасидан танаси тепага қараб интилиб, сўриток тепасида ҳосил бераётган олмаю киви ва бошқа мевали дарахтлардан ҳам яхшигина ҳосил олинмоқда.

Партия лидери ўз ишининг кўзини билладиган боғбонлар билан суҳбатлашаркан, бундай бой тажрибаларни мамлакатимиз бўйлаб кўпроқ тарғиб қилиш лозимлигига алоҳида урғу берди. Шу кунларда Олтиариқ республикаимизнинг юзлаб деҳқонларига ўз бағрини очди. Боиси, туманнинг ўзига хос узумчилик мактаби аъёнларини юртимиз бўйлаб оммалаштириш, янги навларни яратиш ва инновацион усулларни ҳаётга татбиқ этиш борасида юртбошимиз томонидан ўтказилган йиғилишда алоҳида топшириқ берилган эди. Дарҳақиқат, Олтиариқ бугун тилларанг ва шираси тилни ёрадиган узумлари билан бутун дунёга маълум машҳур бўлмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан томорқачиларга яратилаётган қулай шароитлар бош омил бўлиб хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаш керак.

Шоҳсултон ТҶХТАМАТОВ,
журналист



кафт тупроқ тушиб қолса, тадбиркорлар ўша жойда ҳам бир нима экиб кўкартиради. Ҳақиқатан, олтиариқликлар ерни эъзозлайди ва шунга яраша унинг роҳатидан баҳраманд бўлиб келяпти. Айна кезде туманнинг қай бир ҳудудига борманг, кенг кўламли ободлаштириш, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларининг устидан чиқасиз.

Президентимизнинг 2019 йил 14 мартдаги "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, туманнинг Ғайрат, Янгиараб, Бўрбонлик ва Катпут массивларининг дашт қисмларидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларида кооперативлар ташкил этилди, 620 гектардан ортиқ ер майдонида 10 та тик қудуқ қазилди ҳамда иссиқхона ва боғлар ташкил этилиши натижасида 3 мингдан зиёд фуқаро учун янги иш ўринлари

2019 йилнинг май ойида юртбошимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи давомида тумандаги 3 000 гектар ғалла майдонини босқичма-босқич қисқартириб, унинг ўрнида янги токзорлар ташкил этиш бўйича берган топшириғи бажарилиб, минглаб ишсизлар ишли бўлмоқда.

Жорий йилнинг 7 июлида Президентимиз раислигида ўтказилган узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида узумчиликни янада кенгайтириш борасида ислохотлар амалга оширилиши айtilган эди.

Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, узумчилик халқимизнинг асрлар давомидаги миллий деҳқончилик маданияти, қадрияти, ғурури ва даромад манбаи ҳисобланади. Ҳар бир кўчада, хонадонда ток бўлган. Хусайни, тойифи, Ризамат ота, келинбармоқ ва кишиш каби узумларимизнинг

йилига 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Шунингдек, данадиган олинадиган ёғ ҳам жаҳон бозорида юқори баҳолашни ушбу йиғилишда алоҳида эътироф этилди.

Мисол учун, ўтган йили Олтиариқ туманида ғалла майдонлари қисқартирилиб, 2 минг гектар ерда йирик узумзорлар барпо этилган эди. Уларда тумандаги 5 минг нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди. Энг асосийси, бунинг эвазига қўшимча 60 минг тонна узум етиштирилиб, унинг экспорти кейинги йилда қарийб 100 миллион долларга, тўлиқ ҳосилга киргандан кейин эса йилига 200 миллион долларга етади.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроа қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Хайитов яқинда Олтиариқда бўлиб, узумчилик соҳасида олиб борилган ислохотлар билан танишди, миришкор деҳқонлар билан суҳ-

Тошкент

ТОШКЕНТДА БИТТАГИНА

XXI ASR

Пойтахтимиздаги сўлим гўшалардан бири Фурқат номидаги маданият ва истироҳат богида “Ишбилармон аёл – 2021” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, О‘зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши вакиллари, тадбиркор аёллар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

О‘зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши раиси Равшан Фозилов ва парламент Қонунчилик палатаси депутати, фракция-миз аъзоси, О‘зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари Мавлуда Хўжаева мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишди. Шундан сўнг иштирокчилар

томонидан амалга оширилган ишлар, уларнинг машаққатли фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалари баҳолаб борилди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳуласасига кўра биринчи ўринни Чилонзор туманидаги табиий гиёҳлардан дори воситалари ишлаб чиқарувчи “Ambassador – M” компанияси раҳбари Маъмура Мусурмонова эгаллади. Иккинчи ўрин Бектемир туманидаги



“Lizikimtextile” МЧЖ – текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш қорхонаси раҳбари Цой Светланага, учинчи ўрин эса Учтепа

туманидаги “Standart Poligraf Service” МЧЖ раҳбари Дилдора Исмоиловага насиб этди.

Ғолиблар партиянинг дип-

лом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз


Анқижон

ОЛТИНҚҮЛНИНГ
ОЛТИН ҚҮЛЛАРИ150 ХОТИН-
ҚИЗНИ

ИШЛИ ҚИЛИШ ОСОНМАС

XXI ASR

Зухраҳон Чинбердиева олтинқўлик тадбиркорлардан. Асли касби педагог бўлган бу аёл тиниб-тинчимас, шижоатли. Изланувчан, ташаббускорлиги билан О‘зЛиДеР “Аёллар қаноти”-нинг қатор лойиҳаларини амалга оширишда ҳаммиша елкадош. 2019 йилда туманда оилавий мактабга-ча таълим муассасаси ташкил қилганди.



Боғчага яқин ҳудуддаги 15 нафар кишининг бандлигини таъминлади. Шунингдек, ўз хонадонидан кичик паррандачилик фермаси ташкил қилишга улгурди, чорва моллари ҳам парваришда. Ҳар икки йўналишдан олинаётган маҳсулотлар бевосита оилавий боғча тарбияланувчилари таомномасига етказиб берилади.

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Олтинқўл туман босқичида иштирок этган нуфузли, салоҳиятли фермер ва тадбиркор хотин-қизлар орасида унинг тақдиротлари алоҳида эътибор тортди. Мутасадди

ташкilotлар, ҳокимлик, ОАВ вакиллари ҳамда депутатлардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан Зухраҳоннинг фаолияти бир овоздан 1-ўринга муносиб топилди.

– Аслида иштирокчиларимизнинг барчаси фахрли ўринларга муносиб эди, – дейди ҳакамлар ҳайъати ҳамда партия туман кенгаши раиси Бегали Азимов. – Масалан, 2-ўринга сазовор бўлган Барноҳон Ҳамрақулованинг хунармандчилик йўналишидаги фаолиятини олайлик. Ёш бўлишига қарамай, 15 нафар тенгдошининг бандлигини таъминлаган хунарманд қизимиз шогирдлари билан тайёрла-

ган миллий ва замонавий кўғирчоқлар ўз харидорларига эга. 3-ўрин соҳибаси бўлмиш оилавий тадбиркор Шоираҳон Акбарова раҳбарлигида тайёрланаётган эркаклар спорт пойабзаллари ўта сифатли.

Дарҳақиқат, аёл боши билан ишбилармонлик муҳитида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган ҳар бир хотин-қиз ғолиба бўлишга арзийди. Бироқ танлов шартлари улар орасидан энг муносибларини – Олтинқўлнинг олтин қўлларини саралашни тақозо қилди.

Қимматой АШҚУЛОВА,
О‘зЛиДеР Олтинқўл
туман кенгаши
ижрочи котиби

Наманган

XXI ASR

Танловнинг Уйчи туман босқичида ҳам кўплаб ишбилармон, ташаббускор аёллар иштирок этишди. Уларнинг меҳнатини баҳолашда маҳсулот ва хизматларининг ранг-баранглиги, иқтисодиёт ривожига ҳиссаси ва энг муҳими, яратилган иш ўринлари сонига аҳамият қаратилди. Ана шу мезонлар асосида танловнинг I даражали дипломи тадбиркор аёл Моҳидил Исаковага насиб этди.

– Бу аёл нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ибратли, – дейди партия Наманган вилоят кенгаши аёллар бўлими мудир Муаззам Ворисова. – У 2017 йилда тадбиркорлик фаолиятини “Asmustanhotekstil” кооперативини ташкил этишдан бошлаган. Кам таъминланган 100 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган. Бундан ташқари, яна “Asmusgolfeksfil” кооперативини ҳам тузиб, 50 нафар аёлни ишли қилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Моҳидил яна “Мусоҳон Асалоӣ” кўп тармоқли фермер хўжалигининг раҳбари сифатида боғдорчилик, полиз экинларини етиштириш бўйича ҳам ибратли ишлар-

ни амалга оширган. Ана шу жиҳатларини ҳисобга олиб, унга олий ўрин берилди. Шу йилнинг бошида партиямиз сафига кирган бу тадбиркор аёл раҳбарлигидаги қорхоналарда 120 дан ортиқ аъзоларни бирлаштирган бошланғич ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Танловда “Femmasfar” мегатекстиль кооперативи раҳбари Фотима Ғофурова иккинчи, яқна тартибдаги тадбиркор Шаҳноза Қаюмова учинчи ўринга сазовор бўлди. Совғалар ва дипломларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Мирзамова топширди.

О‘зЛиДеР Наманган
вилоят кенгаши
матбуот хизмати



Беминнат хизмат

XXI ASR Мирзо Улугбек тумани Дўрмон йўли кўчаси 42-уй 72-хонадонда истиқомат қилувчи Дилноза Жўраева уч нафар фарзанднинг онаси, ярим тунда юқори қаватдан сув тошишидан азият чеккан. Турмуш ўртоғи ишда, ёш болалари билан сувни қандай тўхтатишни билмасдан, дарҳол "Аваухон obod group" кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниясининг диспетчер хизматида кўнгирак қилади...

Ярим тунда уйингизни сув босса...

ширкатчингиз ёрдамга кела оладими?

Компания ходими қисқа вақт ичида сув қувири ва жўмрак носозлигини бартараф этган. Авайхон маҳалласида истиқомат қилувчилар бугун компания хизматларидан миннатдор.

Икром Сатторов раҳбарлик қилаётган компания 2020 йил бошида иш бошлаган. Айтилганда унда 32 ходим ишлади. Туну кун, яъни 24 соат узлуксиз ишлаётган диспетчер, авария тиклаш хизмати, лифтоёр, сантехник, пайвандчи, электр устаси, кундузги сменада фаррош, боғбон, ободонлаштириш ходимлари фаолиятининг тўғри йўлга қўйилгани, кадрларнинг етарлиги, техник база мавжудлиги иш сифатини оширади.

42-уй 64-хонадонда яшовчи мулкдор Шерзод Мирзоевнинг таъкидлашича, энг кўп учраётган эътирозлардан бири кўп квартиралар уй-жойларнинг қурувчилар томонидан шовма-шоварлик билан битказиб, сўнг маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрига ўтказилиши ва уларга кўчиб кирган хонадон эгалари носозликлар сабаб ўрта йўлда сарсон бўлишаётганидир.

Эндиликда янги кўп квартиралар уйлар фойдаланишга топширилганидан кейин икки йил мобайнида қурувчи ташкилот бошқаруви ва назоратида бўлади. Бу эса, ўз-ўзидан, ҳар ташкилотнинг ўз ишига бўлган масъулиятини оширади. Аҳоли мурожаатлари қурувчининг ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этилади, сарсонгарчиликнинг олди олинади.

"Аваухон obod group"нинг мулкдорлар учун яна бир қулайлиги бир ойда бир маротаба мажбурий бадал тўлангач, хонадон ичидаги сантехника, электр тузатиш каби хизматлар бепул амалга оширилади. Ушбу компания хизмат

кўрсатишини хоҳлаб Шалола ва Камолот маҳаллалари фуқаролари ҳам таклиф билдиришпти. Қўшни Қибрай туманидаги Бойжигит, Улугбек маҳаллалари ҳам шу истакда.

Кўп ширкатлар ўз вазифасини бажармаётган, хонадон эгаларининг ширкат ва бошқарув компанияларга ишончи йўқолган, бадаллар тўлиқ йиғилмаслиги оқибатида дебиторлик қарздорлик ошиб кетган бир пайтда ўз ишининг устаси бўлган, узоқни кўра олган, тўғри режа асосида фикр юритадиган Икром Сатторов ширкат раҳбарларининг борлиги жамият ва оилалар фаровонлиги, иқтисоди учун сув ва ҳаводек зарур.

– Авайхон маҳалласида уч ярим минг хонадонни қамраб олганмиз, – дейди компания раҳбари Икром ака Сатторов. – Келгусида ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлашни мақсад қилганмиз. Бунинг учун ҳар бир кўп қаватли уйга алоҳида шахсий ҳисоб рақами очиш, уйнинг хизмат кўрсатиш ҳудуди аниқ белгиланиб, мулкдорларга ҳисобот бериш тартибини жорий қилиш, шу билан бирга, ҳисоб-китобларни ягона тизим орқали амалга ошириш, офисда коммунал тўловларни бир жойда тўлаш учун банккомат олиб келишни йўлга қўйишимиз даркор.

Кундан кунга юртимиз чиройига кўрк қўшиб бораётган осмонўпар биноларнинг қурилиши сифати янада ошиб бормоқда. Барибир ҳар қандай буюмнинг ҳам бузилиш эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳам бу каби ташкилотларнинг кўпайиши қулайлик гарови десак, хато қилмаймиз. Чунки ярим тунда ширкат аъзоларининг ёрдамга етиб келиши даргумон.

Робинисо АШУРОВА

Косибликдан корхона раҳбаригача

"Мард ўғлон" соҳиблари

XXI ASR Ҳукуматимизнинг "Мард ўғлон" давлат мукофоти совриндори Ёрбек Мавлонов ўз меҳнат фаолиятини айнан оддий косибликдан бошлаб, қисқа фурсатда корхона раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтгани сизга ҳам қизиқ бўлса керак-а?

О'zLiDeP Сирдарё вилоят ва Оқолтин туман кенгаши ходимлари, ёшлар, ОАВ вакиллари "Ёшлар ҳафталиги" доирасида Оқолтин туманидаги "NEW LEVEL SHOES" оилавий корхонаси фаолияти билан танишишди. Иштирокчилар бугунги кунда оилавий корхона томонидан амалга оширилаётган ишлар ва корхона раҳбари Ёрбек Мавлоновнинг келгуси режалари билан қизиқишди.

"NEW LEVEL SHOES" корхонаси ташкил этилган кезларда бор-йўғи 3-5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган. Тинимсиз меҳнат, изланишлар натижасида бугун 300 дан зиёд эркаклар пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда. Айтилганда 50 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари иш билан таъминланган.

– Уч ака-ука туманимиздаги турли жойларда косиблик қилардик, – дейди корхона раҳбари Ёрбек Мавлонов. – Ҳар бир пойабзални таъмирлаб, эгасига топшириш жараёнида қўлимдаги буюмининг тиқилиши, дизайни, тагчарми қандай тайёрланганига алоҳида эътибор берардим. Кейин билсам, фақат мен эмас, акаларим ҳам шундай қилишар экан. Бир суҳбат жараёнида ўзимиз пойабзал тикиш устахонасини ташкил этиш ҳақида фикрлашиб қолдик. Буни қарангки, ҳаммаимизнинг хаёлимизда ана шу ўй, мақсад бор экан. Яхши ният билан иш бошладик...

Бугунги кунда фаолиятимизни олиб бораётган икки қаватли, ўша пайтда ташландиқ бўлган бинони ижарага олдик, таъмирладик. Тошкентдан етказиб бериш хизматлари орқали чарм ва тагчарм маҳсулотларини олапимиз. Тўй ва маросимларга ҳамда қишлоқ хўжали-

хонага ака-ука, қариндош-уруғлардан иборат 20 нафар ишчи-хизматчи жалб қилинди. Дизайнер ҳам, қолипга тортувчи ҳам, янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришга киритувчи ҳам ўзлари.



гида ишчи-хизматчилар учун пойабзалларни ҳам тайёрлаб, ички бозорга чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиз "White Gold" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилляпти.

Ёш тадбиркор банкдан 90 миллион сўмлик сармоя киритиш орқали Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналарни харид қилди. Албатта, ишни бошлаш, харидорлар эътиборини қозониш осон бўлмади. Бунинг учун биринчи навбатда учовлон – Ёрбек, Азизбек, Санжар пойабзал ишлаб чиқарувчи корхона, кичик корхона ва тадбиркорлар фаолиятини ўрганишди, улардан маслаҳат олишди. Кимдир чин кўнгилдан соҳа ҳақида маълумот берса, кимдир бу борадаги тажри-

Айтилганда корхонанинг Гулистон, Қашқадарё, Навоий вилоятларида 3 тадан, Гулистон шаҳрида 1 та савдо дўкони фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, улар ижарада фаолият олиб бораётган икки қаватли бинонинг биринчи қаватида ҳам мўъжазгина дўкон ишлаб турибди. Оёқ кийимлар аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Туркия, Хитой ҳамда маҳаллий чарм ва тагчарм маҳсулотларидан тайёрланяпти. Шу босис уларнинг нархи ҳам турлича – 150 минг сўмдан бошланади. Тадбиркорларнинг нияти келгусида аёллар оёқ кийимлари ҳамда спорт анжомлари ишлаб чиқариш. 1 000 нафар қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш.

Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш учун ака-укалар белни маҳкам боғлаб, ишга қизгин шўнғиган. Қувонарлиси, яқинда ёш тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари, интилишлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. Ёрбек Мавлонов "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланди.

О'zLiDeP Сирдарё вилоят ва Оқолтин туман кенгаши ходимлари партия фаоли Ёрбек Мавлоновни эришган ютуқлари билан табриклаб, эсдалик совғаларини топширди.

Дилором ЭСОНОВА





O'zLiDeP кутубхонасига

800 дона китоб ҳадя қилнди!

XXI ASR

Бугун жамиятимизда китобхонликни ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор берилиб, кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ёзги таътил кунларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли

ўтказиши, санъатга, китобхонликка бўлган қизиқишларини

ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш борасида O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" томонидан ҳам бир қатор лойиҳалар амалга ошириляпти.

Ана шундай хайрли ишлардан бири

– "O'zLiDeP кутубхонаси" лойиҳаси ёшларга манзур бўлмоқда. Янгиариқ тумани Қўриқтом қишлоғи "Қўриқтом" маданият марказида ҳам лойиҳа доирасида кутубхона ташкил этилди. Халқ депутатлари Янгиариқ туман кенгаши депутати Саодат Абдукаримова ташаббуси билан ташкил этилган бу зиё максанига шахсий кутубхонасидан 800 та китоб совға қилди. 300 га яқин ўзбек адабиёти дурдонаси, 200 га яқин турли соҳага оид адабиётлар ва 300 дона жаҳон адабиё-

тига оид асарларни энди қишлоқ аҳли ва болажонлар мириқиб мутолаа қилишлари мумкин.

– Китоб – умр йўларини ёритувчи сўнас нур, инсон ҳаётига мазмун бахш этувчи саодат манбаи, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамроҳ бўлувчи содиқ дўст, – дейди Саодат Абдукаримова. – Инсоннинг маънавий камолотини таъминлашда у сингари кучли қудратга эга восита йўқ. Бу китоблар мен учун қадрли. Йиллар давомида отам, ўзим, оила аъзоларимиз севиб ўқиган, тўплаган

китоб фондимизни қишлоқдошларимизга ҳам илиндим.

Партия вакиллари ва депутатлар маданият марказидаги тўғараклар фаолияти билан ҳам танишдилар. Шундан сўнг марказ ўқувчилари иштирокида концерт дастури, спорт чиқишлари намойиш этилди. Тадбир якунида бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилар партия вилоят кенгашининг ташакурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Насиба ВАИСОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Интилган муродга етар

Спорт

XXI ASR


Нурота марказидан 80 км узоқликда, тоғлар орасида жойлашган Сувли қишлоғида ичимлик суви-ку йўқ, қудуқдан тортиладиган сув ҳам ўсимликларни сугориш учун-да яроқсиз. Шундай бўлишига қарамай, "Улуғберди бобо" фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Улуғбердиев 300 гектарга яқин лалми ерда деҳқончилигу боғдорчиликни йўлга қўйиб, миллион-миллион долларлик экспортни кўзламоқда.

У 650 миллион сўмлик шахсий жамғармаси, 140 миллион сўмлик кредит ҳамда 400 миллион сўмлик субсидия асосида "Улуғберди бобо" фермер хўжалигини ташкил этганига ҳали кўп бўлгани йўқ. 35 гектарга экилган экспорт-боп йирик қора кишимиш ҳосилга кирган. Афғон тужжорлари билан тузилган битим асосида ҳар уч метр квадратга бир тупдан қадалган каврақлар бир-икки йилда доривор шира бера бошлайди.

Сув танқислигини томчилатиб сугориш билан бартараф этиб, сахарда боғ яратаётган фермер хўжалиги асосчилари Нуриддин Улуғбердиев ва рафиқаси Гулчехра Қўшабоева айни пайтда 10 нафар юртдошини доимий ва 20 дан ошигини мавсумий иш билан таъминлаган.

Каврак ва узум даромадини кўрсатгунга қадар ҳам маблағ айланмаси тўхтамаслиги учун чорвачилик ривожлантирилмоқда. Яна денг, қишлоқ шароити ҳисобга олинган ҳолда хусусий

Сувсиз Сувлининг деҳқони



уй-боғча очишиб, мактабгача таълим ёшидаги 30 нафар бола тарбиясига масъуллиқни ҳам зиммаларига олишган.

– Етти авлодимиз деҳқончилик билан шуғулланган. Узим жисмоний тарбия йўналиши бўйича олий маълумотлиман, лекин барибир ота-бобомнинг касби ўзига тортиди. Бобомнинг катта бобоси 17 туя (ҳар бир туяга 500 кило бугдой ортишган) ўлпон тўлаб, Бухоро амири Музаффархоннинг назарига тушган экан. Бу

тўғрисидаги маълумотлар архив ҳужжатларига муҳрланган. Энди, ўзингиз ўйланг, 17 туяда ўлпон тўлаш учун озмунча хирмон кўтариш керакми? – дейди Нуриддин Улуғбердиев.

Дарҳақиқат, катта ер эгаси бўлишининг ҳам катта масъулияти бор. Олис ҳудуддаги кичик бир қишлоқда улкан ниятлар билан шахдам одимлаётган бундай юртдошларимиз талайгина.

Махлиё ПИРНАФАСОВА

XXI ASR

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги қатор маҳаллалар ёшлари таътил кунларини турли тўғаракларда мароқли ўтказишмоқда. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари илгари сурган беш муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намойиш қилиши учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани яхши самара бермоқда.

САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Президентимизнинг 2021 йил 20 апрелдаги "Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат техника университети-га Олмазор туманидан 9 та ва Яшнобод туманидан 1 та маҳалла бириктирилган. Яқинда ана шу маҳаллалар ёшлари ўртасида "Тошкент давлат техника университети ректори кубоги" мусобақаси ташкил этилди.

Футзал, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича баҳслар иккита ёш тоифасида ўтказилди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори С. Туробжонов маҳаллалар ёшлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларда ишчанлик руҳини кўтариш, бирдамлик ва ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришда бундай беллашувлар ижобий таъсир ўтказишини таъкидлади.

Спорт турлари бўйича голиб бўлган маҳалла ёшларига университетнинг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз

Депутатлик гуруҳларида

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилоят қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Худойназаров, "Сув таъминот" МЧЖ раҳбари ўринбосари Ф. Тошматов, Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари У. Отамуродовнинг ҳисоботи эшитилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, эшитув депутатларимизнинг таклифига кўра, чуқур таҳлил, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Халқ ноиблари мутасаддиларга ўз сайлов округлари ҳудудларидаги мавжуд муаммолар кўламадан келиб чиқиб электорат манфаатларини ифодаловчи саволлар билан мурожаат қилдилар.

– Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш, канализация тизимини яратиш бўйича вилоятда йирик лойиҳалар олиб борилмоқда, – деди "Сув таъминот" МЧЖ раҳбари ўринбосари Ф. Тошматов. – Жаҳон банки кредити асосида олиб борилётган ушбу лойиҳа ақинда ракулнади. Натижада Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод, Ховос ва Боёвут туманлари-

ҲИСОБОТ МАЪКУЛ, НАЗОРАТ-ЧИ?

нинг 43 минг нафар аҳолиси ичимлик суви билан таъминланади. Ислоҳ тараққиёт банкнинг 75 млн. долларлик лойиҳаси асосида эса Гулистон, Янгиер ва Шириш шаҳарларининг канализация тармоғи янги-ланяпти.

Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси бугунги кунда 82 фоизга кўтарилди. 2021 йилда "Обод қишлоқ ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида яна 22 та объектида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш орқали 228 километрлик ичимлик сув қувурларини тортиш, 37 донна сув минора ўрнатиш режалаштирилган.

Депутатлар ҳисобдорларга умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг бугунги аҳоли, шунингдек, ички йўллардаги носозликлар қачон бартараф этилиши бўйича ҳам қатор саволлар беришди. Бундай муаммоларни ҳал қилиш борасида ушбу йил давомида Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи 636,1 километр узунликдаги автомобиль йўлларида умумий қиймати 192,7 млрд. сўмлик йўл-қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгилангани айтилди.

Маҳаллий ижроия органлари мутасаддилари таъкидлаганидек, вилоятда мавжуд 319 та қишлоқ, 236 та маҳалла фуқаролар йиғини, 12 865 та кўчадаги ички йўллар пайда юриб ўрганилган. Жами 1 483 километрлик йўлларни таъмирлаш бўйича тўрт йиллик режа-дастур ишлаб чиқилган.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масалаларни Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш таклифи бир овоздан маъқулланди.

Комилжон БУРХОНОВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши
депутатлик гуруҳлари билан
ишлаш бўлими мудири

Тадбиркорга ҳамisha кўмақдош

Очиқ мулоқот

XXI ASR

O'zLiDeP Тошкент шаҳар Яшнобод туман кенгаши "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари" мавзусида депутат ва тадбиркорлар мулоқот форумини ташкил этди.

"Sarbon-Neftegaz" акциядорлик жамиятида ўтган форумда партия туман кенгаши депутатлари, савдо-саноат палатаси, солиқ хизмати мутахассислари, тадбиркорлар ҳамда бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар иштирок этди.

Дастлаб сўзга чиққан Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси вакили Зокир Мирзаулугов Президентимизнинг 2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан палатага юклатилган асосий вазибалар ижроси хусусида тўхтади. Соҳа эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш

борасида амалга ошири-ляётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Мазкур вазибалар ижросини таъминлаш юзасидан ўтган ярим йил давомида палата аъзоларининг қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш борасида умумий суммаси 1 трлн. 728 млрд. сўмлик ва 2 млн. 592 минг АҚШ доллари ҳамда 4 млн. 592 минг Евро қийматидаги жами 6 119 та даъво аризалари киритилди, – деди Зокир Мирзаулугов. – Энг муҳими, уларнинг 3 921 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал этилди! 79 та мурожаат ўзаро келишув (медиация) асосида яқун топди.

Нотиқ медиация тизими хусусида гапирар экан, у корхоналарга низони тинчлик йўли билан ўзаро келишув асосида ҳал этилишига имкон берибгина қолмай, банкротлик ёки ёпилиб кетишининг олдини олишда қўл келаётганига ургу берди.

Бундан ташқари, қайд



этилган даврда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ёки ўз ишини бошламоқчи бўлган жами 625 фуқаро ва тадбиркор 11 та онлайн кўргазма ва бизнес-форумларга жалб этилган. Туркия, Россия каби хорижий давлатларда ўтган 7 та кўргазмада 14 та маҳаллий тадбиркорлик субъекти иштироки ташкиллаштирилган. 37 та корхонага экспорт фаолиятини амалга оширишига кўмаклашилган. Натижада амалий кўмак берилган маҳаллий корхоналар экспорти 5 млн. 265 минг 600 АҚШ долларини ташкил этган.

Маҳаллий тадбиркорлик субъектларига Хитой ва Германиядан 1,7 млн АҚШ долларлик замонавий ускуналар харид қилинишида ёрдам берил-

ган. Шунингдек, Хитой ва Россиядан 600 минг АҚШ долларига тенг хорижий инвестициялар жалб этилди.

Йиғилишда соҳада фаолиятини бошламоқчи бўлганларга ҳар томонлама мадад берилаётгани эътироф этилди. Шундан сўнг Яшнобод туман давлат солиқ инспекцияси вакили Хусан Ўтанов солиқ имтиёзлари хусусида батафсил маълумот берди. Ўз навбатида иштирокчилар фаолиятларида дуч келган муаммолар ва уларнинг ечими хусусида берган саволларига мутахассислар атрофлича жавоб беришди.

Аминжон РУСТАМОВ,
O'zLiDeP Тошкент шаҳар
кенгаши бизнес
тузилмалар ва
фермерлар билан ишлаш
бўлими мудири

Шундай яшар одатда одам

Ёнимиздаги аёл

XXI ASR

Асрлар давомида алломаларимиз битган таърифларнинг ҳар бирида аёлнинг сабр-бардоши, иродаси, матонати ифодаланганини ҳаммамиз яхши биламиз. Ана шундай таърифларга муносиб замондошларимиз қаторига ҳеч иккиланмасдан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали бош ҳамшираси Наргиза Абдуллаевани киритиш мумкин.

Оиладаги тўрт нафар фарзанднинг иккинчиси бўлган Наргиза болаликдан китоб муталаасига қизиқди. Улғайган сари китоблар унинг энг яқин дўсти ва доимий ҳамроҳига айланди. Атрофидагиларни ҳамisha аҳилликка ундаш ва ака-укаларига нисбатан оқибатли бўлиш туйғуларини ана шу асарлардан ўтган бўлса не ажаб.


Тошкент шаҳар Онкология диспансерига 1987 йили ҳамшира сифатида ишга қабул қилинганда бироз ҳаяжонлангани ҳам рост. Орзуларидан бири амалга ошган кун эди ахир. Фаолиятининг биринчи

кунидан онкология соҳасидаги кучли мутахассислардан Рихси Солихўжаева шогирдликка олгани ҳам кечагидай ёдида. Модомики, у устоз-шогирд аъналарни асосида бу касбнинг ўзига хос сирларини эгаллашга синчковлик билан ёндашди.

...Шифохонадаги мухит, "онкология" сўзининг қайсида маънода кўрқинчли эшитилиши Наргиза опани чуқур мулоҳаза билан ўйлаб, иш кўришига туртки берарди. Зотан, ҳамшираликка бўлган меҳри йилдан йилга ошиб бораверди. Вақт ўтиши билан ўзидаги қобилият, меҳнатсеварлик,

ишга бўлган шижоати унинг бош ҳамшира лавозимига тайинланишига шароит яратди. Бу эса ҳар бир бўлимдаги катта ҳамшираларнинг "онаси" сифатида ишни давом эттириш дегани эди.

Наргиза Абдуллаева ёш ҳамшираларнинг билим доирасини соҳага оид саволлар билан синба кўришни қанда қилмайди. Иш сўраб келган киши опанинг имтиҳонидан ўтиши лозим. Ҳамшираларнинг ўз касбига лойиқлик, тиббиётга содиқлигини аниқлаш мақсадида қилади бу ишни, албатта. Айниқса, ҳамшираларни аттестациядан ўтка-



зиш жараёнларида босқичма-босқич улар фаолиятини ўрганади. Бу борада ҳар оянинг муайян санасида ички имтиҳонлар йўлга қўйилгани ҳам синба кўришни қанда қилмайди. Иш сўраб келган киши опанинг имтиҳонидан ўтиши лозим. Ҳамшираларнинг ўз касбига лойиқлик, тиббиётга содиқлигини аниқлаш мақсадида қилади бу ишни, албатта. Айниқса, ҳамшираларни аттестациядан ўтка-

ундаб туради.

"Вақт ортага қайтмайди, ҳар дақиқа ғанимат", деб кўп тақдорлайдиган Наргиза опа ушбу ҳикматли сўзга, аввало, ўзи амал қилади, қолаверса, кўплаб шогирдларини шу қоидага риоя қилишга ўргатапти.

Матонатли аёл бўлса, бир ҳамшира бўлса, шунчалик бўлар...

Меҳрибон
ИСАКОВА,
Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият
институтини талабаси

“Хориж учун фарзанд

Хорижга малака ошириш учун борган танишим айтиб берганди. Кафелардан бирида ишлайдиган официант бош ошпаз билан бир хил маош оларкан. Сабаби кафега кўпчилик мана шу официант хизмат кўрсатгани учун келаркан. Ўзига хос усулда хизмат кўрсатса керак-да, балки қўшиқ айтиб берар, балки ширинсухандир... Кафе эгаси бу ишчи туфайли фойда олаётгани боис уни қўйворгиси келмас экан.

Энди бу ҳолатни ўзимизда тасаввур қилиб кўрсак-чи? Аввало, ошпаз “Нега менинг ойлигим официантни билан тенг бўлиши керак?”, деб хафа бўлади. Кейин бошқа ишчилар “Нега энди унинг ойлиги бизникдан яхши бўлиши керак?”, деб норозилик билдиради. Норозиликларини очиқчасига айтишмас-да турли йўллари йўлаб топишади. Ҳаттоки, чигал вазиятни “бўйнига қўйишдан” ҳам тап тортишмайди. Жуда бўлмаса, официантни хушомадгўйга чиқаради, совға бериб, яхши кўринган дейишади, агар бошлиқ эркак бўлиб, официант аёл бўлса борми?.. Қарабсизки, охир-оқибат яхши ишчи ҳафсаласи пир бўлиб ишдан кетади...

Тўхтан-ёй, умуман бошқалардан ажралиб турадиган талантага, иқтидорга қачон кўргансиз ортиқча рағбат кўрсатилганини, қўллаб-қувватланганини? Унинг корхонага ёки ташкилотга фойда келтириши нафақат бошлиқ, балки ўша ердан оиласини боқайтган сафдошлари учун ҳам қизиқмас. Умуман, бизнинг жамиятда ўзгалардан ажраб турадиган меҳнаткаш ходим бўшаса, бирон одамнинг бир туки қилт этмайди. Яъни яхши ходим кўпинча қадрсиз...

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматов бундан уч йил олдин “Facebook” даги саҳифасида “Давлат хизматида малакали мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг чет элга кетиб қолишининг олдини олиш учун нима қилиш керак?” деган масалани кўтарганди. Ушанда кўпчилик ундан “Умид” фонди бўйича интервью беришни сўрашган эди. Ушбу фонд орқали чет элда ўқиб қайтган “Умид”чилар билан ишлашда йўл қўйилган хатоларни бугун яна эслашга тўғри келди.

Нега “Умид”чилар давлат ишига кирганидан кейин кўпчилигининг ҳафсаласи пир бўлиб, бу ишни ташлаб кетганига Шерматов қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатганди:

1. “Умид”чилар ўқишни битириб

келгач, аксарият ҳолларда улар мутахассислиги ва хоҳишига қараб эмас, балки комиссиянинг қарорига қараб иш жойларига тақсимланган. Масалан, Фонд бозорида деривативларни бошқаришни ўқиб келган мутахассис вилоят ҳокимиятига жўнатилган. Деривативлар эса ҳатто ҳозирги кунгача Тошкентдаги Фонд биржасида ҳам жорий этилмаганини инobatга олсак, бу тақсимлашнинг қанчалик хато эканини тушунса бўлади.

2. “Умид”чи борган ишхонасида ойлик маош пастлиги, шароит йўқлиги эса оилани ҳалол боқиш учун бошқа ишларни излашга ундаган. Қолаверса, уни мутахассис сифатида эмас, балки ўзига хавф сифатида кўрадиган раҳбарларга дуч келгани эса энг катта салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бундай ҳолатда унинг раҳбари имкони борича бу мутахассисга нисбатан қўпол муомалада бўлиб, уни бошқа ходимлар орасида камситиб, топшириқларнинг муддатида бажарилишига тўғри



“умид”чиларнинг аксариятининг омади айнан у ишлаётган жойида уни мутахассис сифатида қадрлайдиган раҳбарга учрагани туфайлидир.

Бу ерда яна бир муҳим омилни эътиборга олиш керак бўлади. Аввалги “Умид”чилар янги битириб келган, чет давлатда бор-йўғи ўқиши давомида яшаган ёшлар бўлса, бугун биз чет давлатлардан қайтишни истаётган юртдошларимиз бугунга келиб, чет давлатда нуфузли ташкилотларда ўз ўрнига эга бўлган, узоқ йиллар мобайнида яхши шарт-шароитларда яшаб, ишлаб ва яна катта даромад топаётган тайёр кадрлардир. Табиийки, уларга нисбатан муомала ва эътибор ҳам у ишлаб келган давлатниқига сал бўлса-да, мосроқ бўлиши керак. Жумладан, малакали мутахассисларни лавозимга тайинлаётганда унинг қобилияти ва тажрибасидан келиб чиқиб иш тутиш ва унга тегишли шароит яратиш керак.

Ишхонадаги раҳбарларининг ахлоқий тўғрилиги ҳамда қанчалик бу мутахассис ушбу раҳбар остида яратилган муҳитга мос келишини олдиндан таҳлил қилиш. Ахлоқсиз, эскича фикрлайдиган раҳбарнинг қўл остига замонавий дунёқарашга эга мутахассисни тайинлаб қўйса, аксарият ҳолатда у бундай деградацияни истамаса, ишини ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Лавозимга тайинланганидан кейин ҳам уларнинг ушбу муҳитга қандай мослашаётгани, таклифлари қанчалик ҳаётга жорий этилаётганини тизимли равишда мониторинг қилиб бориш. Агарда ушбу идорада унинг раҳбари қўл

остидаги янги мутахассисларга “қўлингдан ҳеч нарса келмайди, чет элда ўқиди ёки ишлади дегани ақлли дегани эмас”, “мен бошлиқ, сен аҳмоқ” қабалида ўзини тутадиган бўлса, ундай раҳбарга тегишли чоралар кўриш ёки дарҳол чет элдан келган мутахассисни ундай



йўл кўрсатмасдан айбдор қилиш даражасигача борган.

Шерматовнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда давлат ишида фаолият юритиб келаётган ва юқори лавозимларга кўтарилган


носоғлом муҳитдан ажратиб, жамиятга каттароқ фойдаси тегадиган жойга ўтказиш зарур бўлади.

Акс ҳолда, Президентимиз ташаббуси билан қандай машаққатлар билан хориждан таклиф қилинган ҳамюртларимиз Ўзбекистонга келганидан пушаймон бўлиб яна чет элга қайтиб кетадиган бўлса, ушбу сиёсатнинг имижига жуда салбий таъсир қилиши турган гап.

“Биринчи Президентимиз ташаббуси билан тузилган “Умид” жамғармасидан ҳам умидлар катта эди, лекин жойлардаги ижрочи “раҳбарча”ларнинг масъулиятсизлиги ва баъзи ҳолатларда ҳақиқий зараркундаллиги туфайли, шунча сармоялар эвазига шаклланган тайёр юқори малакали кадрлар давлат хизматини ташлаб кетишларига сабаб бўлган”, деб ёзган Шерзод Шерматов.

Вазирнинг фикрича, ҳозирги шиддат билан ривожланаётган даврда давлат ва жамият бошқарувида инновацияларни жорий этиш учун энг асосий омил айнан юқори малакали кадрларни жалб этиш. Ўзини ҳурмат қилган юқори малакали кадр эса ўз қадрини билгани туфайли тушунмайдиган раҳбар билан узоқ муддат бирга ишлаш олмайди. Натижада ушбу кадрни тайёрлаш (ёки қайтариш) учун

туғаётгандекман...”



сарфланган қанчадан-қанча сарф бекорга сарф бўлган бўлади.

“Нима, чет элда ўқиган бўлса, шохи борми, нега уларга алоҳида эътибор қаратиш керак экан?”, дейилиши ҳам мумкин. Лекин ҳозирги глобаллашув даврида чет эл дипломига ва иш тажрибасига эга одам исталган давлатда юқори маошли яхши лавозимларда ишлаш имкониятига эга ва шунинг учун ундай мутахассисга алоҳида эътибор қаратишга мажбурмиз. Етарли малакасиз ҳамда фақат “хўп бўлади, хўжайин” ёки “икки карра икки – сиз айтган сон бўлади” деб, ўзининг фикрига эга бўлмаган “мутахассис”лар билан мамлакатимиз ривож буйича қўйилаётган юқори марраларга эришишнинг имкони йўқ”, дея қўшимча қилган эди Шерзод Шерматов.

Дарҳақиқат, раҳбарларнинг ўзидан кучли мутахассисга тоби бўлмаслиги азал-азалдан аён. Яъни “балиқ бошидан сасийди”, деганидек малакали мутахассиснинг ишхонада ўз ўрнини тополмаслиги, ҳаммаслақлари олдидан тажрибали бўлгани учун ҳам ёқмаслиги, ўзини ёлғиз сезиши том маънода раҳбарнинг хатти-ҳаракатига ҳам боғлиқ. Раҳбардан тортиб, оддий ходимгача талантли ходимни сиғиштирмаслик – бу бизнинг фожиамиз аслида.

Яқинда бир вазирликдан хорижда магистратурани битирган иқтисодчи йигит бўшаб кетди. Рус, инглиз тилларини яхши билади. Унга вазирликнинг халқаро алоқалар, инвестиция киритиш бўлимини топширишди.

У биринчи кундан ўз бўлимидаги ходимнинг ишидан қониқмай бошқатдан ҳужжатларни қилишини айтибди. Шунда бу ердан аввалдан ишлаб келаётган яна бир ходим “сен кимсан”, дея ургудай ўдағайлаган. Танишимнинг, табиийки, биринчи кунданок ҳафсаласи пир бўлган. Келишмовчилик ўша ходимнинг бошқа бўлимга ўтказилиши билан якун топган. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, чет элликлар билан алоқани йўлга қўяман, инвестиция киргизиш ишларида фаол бўламан, чет тилида гаплашиб тилни янада мукамал ўрганаман, иқтисод буйича билимларимни, барча кучимни сарф қиламан деб чучварани хом санаган экан. На халқаро алоқалар ривожланибди, на инвестиция кирибди, яъни ходимнинг асосий бажариши керак бўлган вазифалари бир четда қолиб, қаердаги қоғозбозлик билан шуғулланиб, бир йилча умри ўтибди.

Ойлик 10 миллионмиш, ўша вазирликдаги ходимлар мазза қилиб, норози бўлмай ишлаётганмиш. Аммо танишим борган сари тилни унутиб қўяётгани, иқтисодий билимлари ўсиш ўрнига ўрганганларининг бори ҳам эсидан чиқиб кетаётгани боис ишдан бўшаб яна хорижга кетиш тадоригида юрибди.

Бизда кўпинча хорижда ишлаб келган одам учун иш йўқ, ойлик кам дейишади. Аслида иш ҳам бор, ойлик ҳам қилиб бериш мумкин. Аммо муҳит ўнганмас экан, ҳақиқий касбини севадиган, янгилик қиламан, деган малакали мутахассисга

ҳеч қандай шарт-шароит татимайди. Қачонки, атрофдаги бошлиқдан тортиб, оддий ишчиларгача уни қучок очиб кутиб олмас экан, ҳеч қачон ривожланиш олға силжимайди. Чунки бизда ўн нафар ишчидан тўққиз нафари ўртамиёна ходим бўлади. Ўртамиёналар биргина иқтидорли ишчини чиқиштирмайди, яъни янгилик билан келган ишчи “ухлаб ётган” ходимларни уйғотиши ёқмайди.

Қачон ривожланамиз, қачон ўн нафар ишчининг тўққиз нафари меҳнаткаш бўлиб, биргинаси лаёқатсиз бўлса. Чунки кўпчиликни орасида битта эпсиз ходим ўз-ўзидан йўқолиб кетади ёки у ҳам бошқалар каби ишлашга қаттиқ киришади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлар ва талабалар форумида мамлакатимиз ёшларини Ёшлар куни билан табриклаш асносида таъкидлаганидек, “Иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари – “Келажак лидерлари”ни шакллантираемиз. Шу билан бирга, кўплаб иқтидорли ўғил-қизларимиз хориждаги нуфузли олийгоҳларда ўқимокда, илм-фан билан шуғулланмоқда, йирик ва етакчи компаниялар-

да иш олиб бормоқда. Биз ана шундай юксак билим ва малакага эга ёшларимизни Ватанимизга келиб ишлаши учун барча шароитларни яратиб берамиз. Уларни раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида белгилаш, уй-жой ажратиш, муносиб маош тўлаш буйича янги тизимни жорий этамиз. Ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга қаратилган сиёсатимизни қатъий давом эттираемиз. Бунинг учун, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳар йили ҳоким, вазир, идора ва банк раҳбарлигига камида 2 нафардан ёш номзодлар захирасини тасдиқлайдилар. Жорий йилдан бошлаб бундай иқтидорли ёшларимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет элларда стажировка ўтайди. Шунингдек, халқаро нуфузли рейтингларда мингталikka кирган олийгоҳни тугатган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўланади”, деб қатъий таъкидладилар.

Бу орзу-режаларнинг барчаси яхши. Аммо одамларнинг дунёқараши ўзгармагунча, менинг юртим ривожланиши учун ҳам, менинг корхонам ўсиши учун ҳам шу кадрни қўллаб-қувватлашим керак, деб ҳар бир ходим, ишчи янги келган иқтидорни қўллаб-қувватламаса, юқорида айтганимиздек барчаси бекор.

Яқинда ижтимоий тармоқларнинг бирида “Мен хорижга кетаман, ишхонам мени сиғдирмади, лойиҳамни қўллаб-қувватламади, бу ерда ўсмайдиганга ўхшайман”, деган постга кўпчилик “Кетинг, қадрингизга етадиган жойга кетинг” деб маслаҳат беришди.

Мени эса ёзилган изоҳларнинг ичида энг таъсирлантиргани мана бу сўзлар бўлди: “Худди хориж учун фарзанд туғаётгандекман”...

Ҳа, ўша “кетинг” деётганлар ҳам ўзимиз, хорижга фарзандларини катта умидлар билан кузатаётган ҳам ўзимиз, мени ёки фарзандимни ўстирмади, синдирди деётган ҳам ўзимиз, малакали мутахассис келса, уни сиғдирмай, турли йўллار билан ҳафсаласини пир қилаётган ҳам сизу бизмиз.

Барно СУЛТОНОВА,
журналист
Манба: *xabar.uz*

XXIASR Яқинда бу мавзу ижтимоий тармоқларда ҳам кўп бора муҳокама қилинганидан хабардор обрўлироқ бир одам "Йўлларимизда содир бўлаётган қоидабузарликларни сурат-видеога тушириб, тегишли жойларга жўнатиш – сотқинлик", деган даъвои баралла айтди. Аммо фикрини тўлиқ изоҳламади, тўғрироғи, асослаб бермади. Менимча, бу борада аниқ-тиниқ далил-исбот ҳам кам аслида. Гарчи мазкур масалада бутунлай ўзгача фикрда бўлсам-да, у билан баҳслашишга имкон берилмади. Шу боис ўз мулоҳазамнинг газетамизда чоп этилишини хоҳладим.

Очиғи, ҳалиги кишига айтмоқчи бўлган гапларим жуда кўп.

Дастлаб шуни тилга олиш керакки, машина ҳайдашга талабгорларнинг, муболаға эмасу, ҳаммаси бўлмасам, маълум бир қисми ҳайдовчилик "увоҳномаси, яъни халқ тилидаги "права"ни ўқиб эмас, минг афсуски, йўлини толиб сотиб оляпти. Агар улар белгиланган муҳлат мобайнида ўқув курсларига тўлиқ қатнаб, йўл ҳаракати қоидаларини пишиқ-пухта ўрганишганида йўл-транспорт ҳодисалари сони бугунгидек ошиб кетмасди.

Оддий мисол: автомобиллар ҳаракатида кўпгина юртдошларимиз феъл-атворидаги қусурларни кўриб турибмиз: белгиланган қоидалар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик, уларга ҳурматсизлик, фақат ва фақат ўз манфаатини ўй-



ҲОЙ ҲАЙДОВЧИ,

СИЗНИ ҚАҲР-НАФРАТ ЭМАС, КЎЧАДА МЕҲР, УЙИНГИЗДА ЭСА БАХТ КУТАЯПТИ!

лаш, бўлар-бўлмасга сўкиниш, сигнал чалиш ва ҳоказолар одат тусига кўриб бўлди.

Ўзимдан қиёс, илгари, айниқса, чеккароқ ҳудудларда йўлнинг светофор билан тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойидан юришга анча қийналардим. Чунки деярли ҳеч қайси ҳайдовчи йўловчини ҳурмат қилиб, тўхташни ўзига эп кўрмасди. Агар сал нарироқда ЙПХ ходими ёки камера кўзга ташланмаса, ҳозир ҳам аксарият ҳайдовчилар пиёдага йўл бермайди. Шунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Демокриманки, фақатгина жарима – жазодан кўрқигина "учар"ларни, ўзларининг иборасида айтадиган бўлсак, "рамкага солиб" турибди. Халқимизда "Ўзида бўлмаса қийин", "Кўрмаганининг кўргани курсин" деган чиройли иборалар бор. Дарҳақиқат, ҳар бир ҳайдовчининг онгу шуурда виждон, ўзгаларга ҳурмат, қонун-қоидаларга итоаткорлик сингари туйғулар, фазилатлар бўлмаса, йўлларда назорат-тартиб ўрнатиш жуда оғир кечади.

Ўтган йилнинг 9 ойида республикамиз йўлларида 3,9 миллионга қоидабузарлик қайд этилибди. Шунинг 2,1 миллионтаси қўпол қоидабузарлик экан. (Расман қайд этилгани булар). 4 294 та ЙТХ содир бўлган. Оқибатда 1 минг 293 киши



ҳалок бўлган, деярли 4 минг нафари жароҳат олган, уларнинг ярми умрбод майиб-мажрўх бўлиб қолганига нима дейсиз?!

Ёки қуйидаги статистика маълумоти қайси биримизни хавотирга солмайди: "2021 йилнинг ilk беш ойи давомида 770 инсон йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлган. "Gazeta.uz" нашрининг ИИБ ЙХББ маълумотларига таяниб ёзишчи, йил бошидан бери мамлакатда 2 960 та авария қайд этилган. Хабарда аварияларга асосий субъектив сабаб ўлароқ **тезликни ошириш**, объектив сабаб сифатида **йўлларни режалаштиришдаги камчиликлар** келтирилган.

Йўллардаги вазиятни яхшилаш

учун неча йиллардан буён зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ижобий ўзгаришлар бор, лекин аҳвол том маънода яхшиланди, ўзгарди деб айтолмаймиз. Шу боис яна бир навбатдаги чора қўлланиляпти. У анча-мунча таъсирлироқ чоғи, оқибатда одамлар орасида йўллардаги қоидабузарликлар ҳақи-

фото, аудио, видеоматериаллар тарқалганда деярли ҳеч ким норози бўлмаган, қораламаган, "чақимчи" деган гап-сўзлар эшитилмаган, кўринмагани-ку! Ваҳоланки, ўша материаллар "қаҳрамон"ларига турли жазо чоралари қўлланган. Бундан чиқдики, иккиозламачилар ҳам кўп экан-да орамазда.

Хуллас, бир ҳақиқат аён бўлди: ҳуқуқбузарликка мойил ҳайдовчилар фақат молиявий калтакни тан олар экан. Бундан кўринадики, турли иддаоларга парво қилмай, жамоатчилик назоратининг ушбу туридан кенг фойдаланиш мумкин.

Яна би жиддий таклифим: ЙТХда айбдорлиги (спиртли ичимлик ичиб рулга ўтирган, йўл ҳаракати қондасини қўпол тарзда бузган ва ҳ.) исботланган шахсларга жазо белгилаш тартибини қайтадан кўриб чиқиш шарт. Сабаби, ҳозир кўряпмиз, гувоҳимиз ахир, қанчалаб беғуноҳ инсонларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлганлар маълум муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ҳеч қанча вақт ўтмасдан яна қамоқдан қайтиб келиб, ҳайдовчилик ўриндигига ўтиришляпти. Бундайларга қачонки, янада оғирроқ жазо чоралари белгиланмас экан, ҳар куни эшитиб, кўриб даҳшатга тушаётган фожиалар сони камаймайди. Бу борада парламент депутатлари ва қуйи бўғиндаги вакилларимиз ўз таклифларини беришларини сўрайман.



Гавҳарой ТҲТАСИНОВА, O'zLiDeP Бектемир туман кенгаши аппарат раҳбари

да маълумот берганларга нисбатан "сотқин" деган ҳақоратомуз сўзлар тез-тез тилга олинадиган бўлди. Муҳокамалар эса тинмаяпти. Демак, заиф жой топилганга ўхшайди. Ахир, давлат ҳар бир симёғочга видеокамера ўрнатолмайди ёки ҳар бир машинага ЙПХ ходимини назоратчи қилиб қўёлмайди-ку!

Аслида ҳақиқий назоратчи бу сизу бизнинг ўзимиз, виждонимиз, яъни ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ-ДИР! Энг қудратли куч ҳам шу!

Шу ўринда ажабланарли яна бир ҳолни баён этаман: интернетда ички ишлар, ҳокимликлар ва бошқа давлат органлари ходимларининг ноҳўя хатти-ҳаракатларини ошкор қилувчи

Бола бахши – бобо бахши

Халқимизнинг бадий тафаккури маҳсули бўлган юзлаб дostonларни жонли ижро орқали авлоддан авлодга етказишда эпик хотираси кучли, бадихагўй бахшиларнинг хизмати беқиёс. Булунгур, Қўрғон, Нурота, Шаҳрисабз, Нарпай, Шеробод, Қамай, Пискент, Хоразм дostonчилик мактабларининг ҳар биридан кўплаб ижрочилар етишиб чиққан. Жумладан, Хоразм халқ поэтик марказининг кейинги асрдаги ривожига Бола бахши ижоди билан бевосита боғлиқ. Унинг тахаллуси ҳақида эл оғзида юрган ҳақиқатлар истеъдодли журналист Болтабой Матқурбонов мақоласида жуда чиройли ифодасини топган.

“Хивада бир ёш бахши чиқибди. Кўрсангиз, ҳайрон қоласиз. Ўзидан дутори улли (катта)миш. Шундин ширали овози бормиши, ҳамма тасанно айтармиш...”. 1908 йилнинг айни баҳорида Хива қалъасида шундай гап тарқалган. Қурбонназар бахшини эшитганлар зўр бериб мақташса, эшитмаганлар эса уни бир кўришга иштиёқманд экан.

Хива хони Муҳаммад-раҳимхон Феруз даврида Хоразм ҳудудида қирқдан зиёд бахши ва 32 та созанда кўшлари бўлиб, барчаси ҳар йилги 12 кунлик Наврўз сайли чоғи синовдан ўтказилар, голиб чиққанлар элнинг тўй-томашасида хизмат қилишга рухсат олар экан. Бундай кўрикларда нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ ва туркман бахшилари ҳам ўзаро беллашишган. Хон олдида устоз Суяв бахши ўтириб, ҳакам раиси сифатида танловни бошқариб борган. Унинг маслаҳати билан кимга рухсат бериш ёки кимга эса кейинги кўрикка тайёрланиб келиш ҳал этилар экан. Яъни мағлуб ижрочи ўз устида ишлаши устоз бахшига топширилган.

Бир йили ёш Қурбонназар дуторини кўтариб,

устози Жуманазар бахши билан кўрикка боради ва хоннинг олдида дoston айтиди. Ферузхон “Туфалам-а, кўз деймасин, ино бобо бахши! Устозингга, ота-онангга раҳмат, ўғлим, камол топ” дея елкасига қоқиб қояди. Шу-шу, Бола бахши бўлиб эл ичинда танилиб кетган.

Қурбонназар Абдуллаев 1899 йили таваллуд топган. Ўн ёшидан қўлида сози билан элга хизмат қила бошлаган. Айтишларига қараганда, унинг аждодалари ўз даврининг кўзга кўринган атоқли бахши ва гўяналари бўлган экан. Қурбонназар хат-саводи чиққач, боболаридан қолган дoston китобларини ўқиб ўрганади. Ўша йиллари Хивада Ёдгор буламончи ва Жуманазар бахши ном қозонган эди. Отаси Қурбонназардаги иқтидорни пайқаб, уларга шогирдликка беради.

Бола бахши репертуарида “Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхон”, “Хирмондали”, “Кампир”, “Қирқминглар”, “Сафар кўса” каби йигирмага яқин дoston бўлиб, “Бозиргон” (1965) ва “Авазхон” дostonи (1967) ёзиб олинди, нашр этилган.

1937 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси, 1938 йили Ўзбекистон халқ ижодчилари олимпиадаси, Халқаро олтойшунослар фольклор анжуманида қатнашган. 1938 йили Ўзбекистон халқ дostonчиси унвонини олган.

Бола бахши кўплаб шогирдлар етиштирган. Афсонавий санъаткор, халқ артисти Комилжон Отаниёзовдан ташқари машҳур ҳофиз ва бахшилар Ибот бола, Отахон Матёқубов, Қаландар Норматов, Каримбой Отамуротов, ўғиллари Матёқуб, Матназар, Давлатназар, Ўзбекистон халқ бахшилари Норбек ва Етмишбой Абдуллаев ана шулар жумласидан.

Устоз куйчи 1994 йили оламдан ўтган бўлса-да, лекин оталари изидан борган фарзандлари Хоразмда Бола бахши дostonчилик мактабига асос солиб, ёш ижрочиларга санъатнинг сир-синуотини ўргатиб келишмоқда. Бир сулолада учта Ўзбекистон халқ бахсиси унвонини олганлар камдан кам учрайди бизда. Катта ўғли Абдулла Қурбонназаров (Норбек бахши) Хивада Бола бахши номидаги фольклор-этно-




график ансамблини ташкил этган. 2000 йили Ўзбекистон халқ бахсиси унвонини олган.

Яна бир ўғли, марҳум Матёқуб Абдуллаев Хивада 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида дoston синфи очиб, кўплаб ёш бахшилар етиштирган ва фаолиятини Урганч санъат ва маданият коллежида давом эттириб, ёш дostonчиларни етиштиришга муносиб ҳисса қўшган.

Тақдирни қарангки, Бола бахши 70 ёшида фарзандли бўлади ва ўғлига Етмишбой деб исм қўяди. У ҳам дostonчиликка қизиқиб, тўрт-беш ёшидаёқ отаси билан тўй-томашаларга бориб, доира чалиб юради. Катта бахши

бўлиб етишади. 2011 йили унга ҳам Ўзбекистон халқ бахсиси унвони берилди.

Бола бахши бу азим санъатнинг боласи бўлиб қолмади, балки бахшичиликнинг бобосига, Хоразмдаги барча ижрочиларнинг устозига айланди. Унинг эзгу анъаналари бугун ҳам авлодлари ва шогирдлари ижодиди давом этиб, дoston ва термалар ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Отахон МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Расулбек АБДУРАҲМОНОВ,
магистрант

ЭЪЛОН!

“BEST AUTO AUKSION”

масъулияти чекланган жамияти

САМАРҚАНД МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога “O‘ZTRANSOAZ” АЖ Самарқанд магистрал газ қувурлари бошқармасининг 2021 йил 12 июлдаги 12/07-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд вилоят Самарқанд тумани Газчилар кўрғонида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) 2000 йили ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 823 САА, техник носоз бўлган “NEXIA” русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 6 311 000 сўм; 2) 1990 йили ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 443 САА, техник носоз бўлган “UAZ

31512” русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 4 017 000 сўм; 3) 2005 йили ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 DA 236, техник носоз бўлган “BEK-20K” русумли экскаватор, бошланғич баҳоси – 37 602 000 сўм; 4) 1996 йили ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 428 САА, техник носоз бўлган “MAZ 5337” русумли автокран, бошланғич баҳоси – 38 075 000 сўм; 5) 1993 йили ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 445 САА, техник носоз бўлган “UAZ 315101” русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 4 083 000 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 20 ав-

густ кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2021 йил 19 август кун соат 18:00.

Ушбу автотранспорт воситалари 2021 йил 20 август кун соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси

тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “BEST AUTO AUKSION” МЧК Самарқанд минтақавий филиали АТИБ “Ипотека банк” Кўксарой филиалидаги 2020800700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 1-уй 206-хона.

Тел.: (+99890) 212-60-01.

Электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz
Гувоҳнома №547246.

Пулгамас, арчаларга ачиняпман!

Ёхуд пойтахт ободлигига доғ бўлаётган кўнгилсиз манзара

XXI ASR Таниш журналистлардан бири ижтимоий тармоқдаги месенжеримга ёзибди:

“Нега бунча куюнасиз, дунёнинг ташвиши сизга қолдими, айтинг?! Ҳали кўча-кўчаларимизни “безаб-бежаб” турган “I love Tashkent” дан тортиб, юзлаб худудларга тўйларга сочилган бебилиска пуллардек сочилиб ётган бемаъни ёзувларни танқид қиласиз, бир қарасам, пандемия шароитида карантин деган чекловларни бир пулга олмай тадбири фестиваллар ўтказиб ётган мутасаддилар шайнига аччиқ-нордон гаплар айтасиз, шу чиқишларингиз қайси бир идора деворига урилиб, бирор жўялироқ акс садо бердими, оғайни?”


Шундан кўра, тинчгина, бошқаларга ўхшаб, ҳаммаёқ гулистон, дунёга бўйлаётган она Ватаним, бўл омон, деб шеър-пер ё достон ёзвормайсизми? Биламан, бу гапларим сизга малол келади, лекин чидолмадим, айтганча, пенсияга қанча қолди ўзи, ё сизам бошқа оқсоқол устозларингизга ўхшаб креслога супер-клея жўмрагини улаб қўйибсизми? Асабни асранг, асабни, ошнажон!..”

Жавоб ёзмадим, учта ундов белгисини жўнатвордим. Не дейман, тавба қилайинми, тазарру айтиб чиқайми бошқаларга ўхшаб. Йўқ, менинг қонимда йўқ, ор қиламан, тавбахўрлар шундоғам ҳаммаёқни босиб кетди. Мен етмай турувдим.

Лекин барибир ўйлаб қолдим. Ростданам жамиятда (деяри хамма соҳада) кўзимиз кўриб, қулогимиз эшитиб турган ва охири кўринмаётган айрим нохуш ҳолатлар (тиббийётдан тортиб, таълимгача, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари-ю йўл қуриш, бузиш, назорат қилиш тизими, ИПХ, ИТХ ва ниҳоят коррупция ботқоғига ботиб кетган ер (тузувчимас, улар сотувчи аслида) савдосига ружу қўйганлар ва ҳоказо)дан оддий бир ЖУРНАЛИСТ, қўйингки, шу юрт фарзанди сифатида кўз юмишим мумкинми? Сизга кафил эмасман. Лекин мен томошабинлик қилолмайман. Очигини айтмайми сизга, маддоҳлик қўлимдан келмайди.

БУГУН, одатдагидек, уйимдан кунлар салгина салқинлашгани боис яна пибда ишга отландим.

Фарғона йўли кўчасида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари учун ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди. Йўллар раvon, аввалгидек, пала-партишлик йўқ, асосийси, “пробка”лар нисбатан камайди.



Шунисигаям шукр. Аммо...

Ана шу гўзал ишларимиз соясида ямоққа ўхшаб турган баъзи хунук манзаралар ҳам борки, энди бундан кўз юмиш жиноят билан тенг!

Ушбу кўчани обод қилиш, бутунлай қайтадан бузиб тузиш учун кетган маблағнинг ҳисоб-китоби бизга қоронғи. Билганим, ҳазилакам маблағ сарфланмаган.

Лекин не-не умидлар билан эрта баҳорда ўтказилган арча ниҳоллари бугун қай аҳволда эканини пойтахтнинг шу ишга масъуллари, агар кўзлари очиқ бўлса, кўриб хулоса қилишсин. Майли, йўл ўртасидаги кўзларни қувонтириб турган яшил майдончалар, яъни очилиб ётган турфа гуллар ер остига кўмилган

шланглар орқали имкон қадар сугорилаяпти. Аммо Яшнобод тумани худуди тараф (ҳайдовчилар ибораси билан айтганда, “кармашка” – чўнтак йўл)да экилган арчалар... “эсиз, шунча меҳнат, давлат маблағи деворасиз уларни кўриб, ҳаммаси ўтингаям ярамайди ҳозир. “Лоқал бир мартагина сугорилгандаям бу арчалар тирик қолиши мумкин эди” дейди менинг куриб-қақшаб ётган ниҳолларни суратга олаётганимни кўрган кекса отахонлардан бири.

Ва секин қўшиб қўяди: “**Ҳокимиятда ишлайсизми ё, энди бу кўчатларни списать қиласизлар-да а, э, Худойим, бераҳм коттаконларга инсоф, диёнат бергин. Қиёмат келган кунни ҳам кўчат экинлар, деган улдуғ даъватларга тескари ишлар-да булар. Бўлмаса, шу ниҳолчалар униб, кўкариб кетса, тайёр кислород берарди-ку, шундоғам ҳозир**

одамларимиз анави ковид деган балойи офат туфайли ҳаво етишмай қийналяпти ахир”...

Отахоннинг қуюниб айтган гапларига изоҳ шарт эмас. Лекин Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларига саволларим бор: хўш, минг-минглаб арча ниҳоллари учун сарфланган маблағ кимнинг чўнтагидан ишлатилган эди? Давлат-халқнинг пули сизлар учун тугамайдиған ҳазина бўлиб қолдими энди?

Ўзбекистон экология партияси ва Давлат экология қўмитаси вакилларига ҳам айтар сўзим, маломатли саволим шундай: Сизлар ҳам давлат бюджети ҳисобидан молияланаётирсиз, тўғрими, хўш, бугун алам ва армон билан кўтарилаётган мавзу, Фарғона йўли кўчаси (ҳозирча кўрганларимиз шу, кўрмаганларимиз ҳақида ҳар кун ижтимоий тармоқларда жонкуяр кўнгиллилар бефойда бўлсам, жавраб ётибди, хайриятки, шулар сизлардан кўра фаол бўлиб боришяпти)даги рекорд даражадаги маблағлар сарфланиб экилган, алалоқибат бугунга келиб, минг афсуски, куриб, ўлиб бўлган арчалар (бошқа ниҳоллар ҳам бор) учун жавобгарлик қайси идора ё кимнинг зиммасига тушади? Ҳеч бўлмаса, шундай пайтда уйғонинглар сизлар ҳам. Бугеи сайлов яқинлашяпти юртимизда.

Норқобил ЖАЛИЛ

MUASSIS. TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

OZLIDER

XXI ASR
ИЖТИМОЙ-СИЎСЙ ГАЗЕТА
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир

Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қўриқчиси –
71 215-63-80
(иш.фурқ.)

Обуна ва реклама
оғали –
71 255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами
билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-3 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 751 Тираж: 35215

Электрон газета тиражи: 513
Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди – 20-10

Тахририятда келган кўлималар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манаб
сифатида газетани номин кўрсатилмиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2183-477X



НАШР КЎРСАТУҚЧИ: 486

123456

Набғачи муҳаррир:
Нуржон ЗИМРИЗАЕВА

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒҒОВ
Мавлуда ХУҶАЕВА

Сирожидин САЙИИД
Алҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПЛАК
Насимжон АЛИМОВ

Нуридин
УБАЙДУЛЛАЕВ
Бош муҳаррир
уриносари